

Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги

Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг назарий ва амалий методик
маркази

Тўрақўрғон тумани халқ таълими бўлими

21-маҳсус мактабгача таълим муассасасининг
“Катта гуруҳлар учун”
Вилоят амалий семинарига тайёрлаган

“СУВ БАЙРАМИ”

ДАСТУРИ

Тўрақўрғон-2006

Ушбу катта гуруҳлар учун мўлжалланган “Сув байрами” дастури барча мактабгача таълим муассасалари учун мўлжалланган бўлиб, тарбиячилар, методистлар, жисмоний тарбия йўриқчилари ва хамширалар учун мўлжалланган.

Тузувчи: Туракўрғон тумани 21-сонли МТМ мудираси М.Каримова

Катта тарбиячи Х.Дадахонова

Ушбу “Сув байрами” ишланмаси Вилоят халқ таълими бошқармаси “Назарий амалий методик маркази” томонидан тавсия этилди.

Мавзу: Кўнгил очиш.

Номи: “Сув байрами”

Мақсад: “Сув байрами ” ни ўтказиш орқали, болаларни йил давомида олган билим ва кўникмаларини аниқлаш, ёз мавсумини мароқли ўтказиш, сув, ҳаво, қуёш ваннасидан тўғри фойдаланишга, болаларни шахсий гигиеник кўникмаларига риоя қилишга ўргатиш орқали: “Соғ танда-соғлм ақл” иборасини онгига сингдириб бориш, 2006 йил “Хомийлар ва шифокорлар” ҳақидаги болалар тушунчасини мустаҳкамлаш, болаларда байрамона кайфиятини ҳосил этиш.


“СУВ БАЙРАМИ” ДАСТУРИ

Кириш:

- Муассаса байромона безатилган.
- Чўмилиш ҳавзаси сув билан тўлдирилган, сув ўйинчоқлари солинган.
- Мусиқа остида болалар кириб келадилар.
- Бадий гимнастика машқини бажарадилар.

Бошловчи:

Азиз болажонлар мана биз орзиқиб кутган ёз фасли ўтмоқда Биз ёзда сув, қуёш, ҳаво билан чиниқиб куч-қувватга тўламиз.



Бола:

Ёз фаслида ўйнаймиз,
Чиникамиз яйраймиз.
Ҳамма ўғил-қизларга
Бардам соғлиқ тилаймиз.

Ёз фаслида қуёш бор,
Сувлари бор, завқи бор.
Келинг жажжи болалар,
Яйранг гулу-лолалар.

Бошловчи:

Ёз фаслида қуёш, ҳаво, сув билан биргаликда, спорт билан ҳам чиникамиз.

Бола:

Деразани очаман,
Тоза ҳаво кирсин деб.
Физкультура қиламан,
Таним кучга тўлсин деб.

2-Бола:

Спорт бизнинг дўстимиз,
Соғлигимиз, кучимиз,
Спорт бизнинг дўстимиз,
Тинчлигимиз, бахтимиз.



“Қуёш” кириб келади.

Мен қуёшман нурларим билан,
Очилмоқда гулу-лолалар.
Нурларимдан бахра олиб,
Соғлом ўсинг болалар.

“Ҳаво” киради.

Мен ўша тоза ҳавоман,
Болажонлар танига давоман.

“Сув” маликаси киради.

Ер ҳазина, сув гавҳар,
Сувсиз ҳаёт бўлмайди.

Келиб тахтга ўтиради.

Бугунги байрамда қизиқарли мусобақа ўтказилсин.

Бошловчи:

Ҳурматли сув маликаси, амрингизга мунтазирмиз.

Болалар 2 гуруҳга бўлинади.

1-“Делфин”

2-“Балиқча”

Мусобақа бошланишдан олдин болалар соғлиги ва тайёргарлиги текшириб олинади.

Ҳамшира:

Болалар, ҳаммангиз соғломмисиз?

Болалар:

Ҳа, соғмиз ва мусобақага тайёرمىз.

Мусобақа шартлари

1. Малика маржонини сувдан олиб чиқиш.
 2. “Сувдан” ким кўп тўп теради.
 3. Шарни пудаб, илиб келиш.
 4. Ҳар бир мусобақа шarti орасида бирор бир ашула ёки рақс бўлади.
- Мусобақа охирида сув маликаси сувдан фойдаланиш, исроф қилмаслик, кичик болаларни сувдан қўркмаслик, сув тозалик гарови, ёзда меваларни ювиб ейиш кераклигини айтади. Шунда мевалар кириб келиб, тилга киришади.

Ўзум:

Доналарим маржона,
Бир болим нақд бир жомча,
Ёзда тўйиб ейишар,
Қишга олиб қўйишар.

Олма:

Мен сизларнинг олмангиз,
Хомлигимда олмангиз,
Нортожиги ўхшаб сўнг,
Вой қорним деб юрмангиз.

Ўрик:

Қантак ўрик отим бор,
Хўп мазали тотим бор,

Мағзимга беркитилган,
Қантим бор новвотим бор.

Нок:

Нок мевалар асили,
Эрта пишар хосили,
Ширинлиги худди бол,
Пишганини териб ол.

Шафтоли:

Кўплигидан шафтоли,
Шохи ерга букилар,
Терговчилар ушлолмай,
Шамол турса тўкилар.

Яқунловчи қисм

Чингагчуклар ракси билан яқунланади.